

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2011
ФЕВРАЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

С.ЗОКИРОВА

Контрастив, конфронтатив ва чоғиширмада тилшүнослик атамалари хусусида 56

Н.ПАЗЛИДДИНОВА

Сабзавот экинларини ифодаловчи фитонимлар ва уларнинг мавзуий таснифи 61

М.ФОЗИЕВА

Суперсегментал бирликлар тадқиқига доир 65

Ғ.ХОШИМОВ, Ж.ҚОРАБОЕВ

Турли тизимли тилларда ундалма орқали воқелантирилган фразео-гиперболемаларнинг типологияси хусусида 69

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Р.ИСАКОВА, Ф.ОТАЖОНОВА, Н.ХАЙТБАЕВА**

Рус тили ўқитиши жараёнига АҚТни жорий қилиш – индивидуализация, дифференциация ва мустақиллик тамойилларини амалга ошириш 74

Ш.ХОНКЕЛДИЕВ, Д.КАРИМОВ

Спорт гимнастикасида иқтидорли болаларни йўналтиришнинг педагогик технологиялари 77

ИЛМИЙ АХБОРОТ**И.ДЕҲҶОНОВ, М.ПАРПИБОЕВА**

Чет тили дарсларида ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқларида учрайдиган хатолар ва уларни бартараф этиш йўллари 81

Н.ҚЎЛДАШЕВ

Эколоингвистика 84

Д.ҲАСАНОВА, Т.МЎМИНОВА

Навоий сұхбат ва сұхбатдош ҳақида 87

АДАБИЙ ТАҚВИМ**Ҳ.ЖЎРАЕВ**

Тотувлик, тенглик ва диний бағрикенглик тараннуми 89

Н.УМАРОВА

Алишер Навоий достонларида ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари масаласи 93

ФАНИМИЗ ФИДДИЙЛАРИ**ВОДИЙНИНГ ЗАБАРДАСТ ОЛИМИ** 96

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ**Библиография** 99

ҚУТЛОВ**Ғолиблар аниқланди** 101

СУПЕРСЕГМЕНТАЛ БИРЛИКЛАР ТАДҚИҚИГА ДОИР

М.Фозиева

Аннотация

Мақолада суперсегментал бирликлар тадқиқига оид мулоҳазалар баён қилинади. Просодика фонетик-фонологик сатхнинг юқори бирликларини ўрганувчи соҳа ҳисобланади. Просодик ва интонацион структуранинг умумий ва фарқланувчи белгилари кўрсатиб ўтилади.

Аннотация

Статья посвящена функциональным особенностям просодии. Рассмотрены коммуникативные, эмоционально-модальные, индивидуально-социальные, структурные, стилевые и ритмичные функции просодии.

Annotation

The article is devoted to the supersegmental units, which are discussed in this work. The prosody is considered to be the branch, studying the phonetic-phonological units. The general and differential features of the prosodic and intonation structures are revealed.

Таянч сўз ва иборалар: фонетика, фонология, сегмент бирлик, суперсегментал бирлик, просодика, интонация, артикуляцион фонетика, экспериментал фонетика, фоносинтаксис.

Ключевые слова и выражения: просодия, интонация, функции просодии, коммуникативный, эмоционально-модальный, индивидуально-социальный, структурность, стилевые и ритмичные функции просодии.

Key words and expressions: phonetics, phonology, segmental units, supersegmental units, prosody, intonation, articulation phonetics, experimental phonetics, phonosyntax.

Дунё тилшунослигида шу кунга қадар амалга оширилган лингвистик тадқиқотлар ичида тилнинг фонетик сатҳи, унинг бирликлари, фонетик ҳодисаларга бағишлиланган ишлар салмоқли ўрин эгаллаши кўзга ташланади. Албатта, бунинг ўзига хос асослари мавжудки, айнан фонетика соҳасига оид тадқиқотлар кўламининг кенглиги, уларнинг ранг-баранглиги, тадқиқот метод ва усууларининг хилма-хиллиги соҳанинг ривожланиш тарихи билан узвий боғлиқдир. Тилшуносликнинг фан сифатида пайдо бўлиши, тил ҳақидаги илмнинг ривожланишида дастлаб тилнинг бошқа соҳаларига нисбатан фонетика ва унга оид ҳодисалар тадқиқи билан боғлиқ қарашлар юзага келганлиги жуда кўп илмий адабиётларда алоҳида таъкидланади. Анъанавий тилшунослик материалларида ҳам тилнинг бошқа сатҳларига нисбатан фонетик ҳамда фонологик бирликлар ҳақидаги қарашлар, назариялар нисбатан анча илгарироқ шаклланганлиги эътироф этилади. Лисоний тадқиқотлар орасида юқоридаги сатҳ ва унга оид тушунчалар билан алоқадор қоидалар, қарашлар, назарияларнинг пайдо бўлиши тил ҳақидаги фаннинг ривожланиш тарихи билан боғлиқдир. Фаннинг ривожланиши

маълум бир ҳалқ ва унинг ажоддлари томонидан яратилган маънавий-маданий, маърифий-ижтимоий соҳадаги манбаларнинг ўрганилиши билан боғлиқ. Ёзма манбаларнинг тадқиқида матнларни ўқиш, товушларни тўғри талаффуз қилиш, талаффузда ургуни ўз ўрнида тўғри қўллай олиш, сўз ва иборалар маъносини тушуниш, таҳлил қилиш, қийин сўзлар луғатини тузиш каби масалалар амалий тилшунослик ҳақидаги бошланғич билимдир. Бундан ташқари дунёда мавжуд тиллардан қайси бирида тилнинг юқори сатҳ бирликлари олдинроқ шаклланган деган саволнинг кўйилиши табиий. Бу саволларга жавоб бериш, уларни таҳлил қилиш тилнинг фонетик сатхини чуқурроқ ўрганиш билан боғланади. Тилшунослик тарихига тааллукли маълумотларда қадимги ёдномаларни алоҳида ургу ва қироат (интонация) билан ўқиш фонетикага оид билимларнинг шаклланишида асосий ўрин эгаллаши қайд этилади. Қадимги хинд тилшунослари ведаларда ишлатилган сўзларнинг тўғри талаффузини сақлаб қолишига интилганлари туфайли фонетика бўйича катта ютуқларни кўлга киритдилар.

M.Фозиева – ФарДУ камта илмий ходим-изланувчиси.

Уларнинг катта ютуғи шундаки, товуш ва унинг тил эгаси хотирасидаги андазасини фарқлашга эришдилар. Бунинг натижасида тилшуносликда фонема атамаси пайдо бўлди [6.8], фонология ва фонологик назариялар шаклланди. Фонема атамаси қаторида шу илмий парадигмани ривожлантиришга эҳтиёж борлиги сезилади.

Ўзбек тилшунослигига ҳам ўтган асрнинг 90-йилларида профессорлар А.Нурмонов ҳамда А.Абдуазизовларнинг “Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси” ҳақидаги асарларининг яратилиши тилшуносликда фонетика-фонология соҳасидаги тадқиқотларнинг юқори босқичга кўтарилганлигидан далолат беради. Бу асарлар яратилгунга қадар ўзбек тилшунослигига ҳам фонетика соҳасидаги “артикуляцион фонетика”, “акустик фонетика”, “экспериментал фонетика” каби фонетиканинг амалий соҳаларида тадқиқотлар амалга оширилганлиги маълум. Тилнинг фонетик-фонологик сатҳида бундай тадқиқотларнинг юзага келиши соҳанинг шу қисмида айнан фундаментал ва назарий ишларнинг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Дунё тиллари ва уларнинг таснифи, фанда типологик тадқиқотлар хусусидаги назариялар пайдо бўла бошлиши билан “хусусий фонетика” ва “умумий фонетика” [4] ҳақидаги назарияларга асос солинди. Дунё тилшунослигига Ф. де Соссюр [10]нинг “Умумий лингвистика курси” номли илмий асарининг пайдо бўлиши тилга берилаётган турли-туман таърифлар, тилнинг моҳияти билан боғлиқ қарашлар, тил структураси моҳиятининг тўғри талқин қилинишига зид бўлган турлича мактаб ва оқимларнинг ривожланишига чек қўйди. Фонетика-фонология соҳасида ҳам янги назарияга асосланган тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш зарурлиги эътироф этила бошлиди. Фонетик бирликлар ва ҳодисалар амалий тадқиқотлар доирасидан назарий сифат босқичига кўтарилди. Айнан шу соҳа мутахассислари [1], [8] фонетик тадқиқотларни иккига ажратишни тавсия этадилар, шунинг учун ҳам сегментал ва суперсегментал бирликлар атамасини қўллайдилар. Шу кунга қадар амалга оширилган фонетика соҳасига оид тадқиқотларда кичик бирликлар – сегмент бирликлар ва катта бирликлар –

суперсегмент бирликлар ёки просодика [9.27] деб номлана бошланди. Суперсегмент бирликларларга нисбатан илмий адабиётларда “устсегмент бирлик” [7.128], “супрасегмент бирлик” [3.26] атамалари ҳам қўллана бошланди. Ўзбек тилшунослигига сегмент бирликларга бағишиланган тадқиқотлар анчагина бўлиб, уларнинг аксарияти амалий характерга эгадир. Суперсегмент бирликлар тадқиқига оид материаллар ўзбек тилшунослигига кам учрайди. Шундай бўлса-да, профессор А.Фуломов томонидан “Ўзбек тилида ургу” асарининг яратилиши ўзбек тилшунослигига келгусида амалга ошириладиган суперсегментал фонетика соҳасидаги илмий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Суперсегмент бирликлар ёки просодика бўйича тадқиқотларни амалга ошириш экспериментал-фонетик ва фонологик характерга эга бўлиб, тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фан, таълим ва ишлаб чиқариш корхоналари муаммоларини ечиш учун муҳимдир. Бундай методика фанда амалий тилшунослик деган тушунча билан боғланади. Ҳар қандай фан тадқиқот методологиясида янги илмий ғоя маҳсус экспериментларни талаб қилади. Экспериментал тадқиқотлар учун эса янги илмий технологияга асосланган замонавий жиҳоз ва ускуналар ёки ахборот технологиялари тизимида яратилган янги дастурларга эҳтиёж сезилади. Ўз навбатида суперсегментал бирликлар просодик воситалар сифатида тилшунослик фанининг кичик сатҳига оид катта бирликлардир ва бу соғ лингвистик бирлиқдир. Лекин бундай бирликлар тадқиқида экспериментал тадқиқотлар учун шу соҳага оид физика ёки ахборот технологиялари фанлари билан боғлиқ бўлган тушунчалар, асбоб-ускуналар, ўлчов бирликлари хусусидаги назарий маълумотлар ҳам керак бўлади. Айни пайтда эксперимент натижалари юзасидан илмий хulosалар чиқариш учун фаннинг статистика соҳасига ҳам мурожат қилинади. Бундай тадқиқотлар фанда инженер лингвистикаси деб номланади. Юқоридагилардан ташқари суперсегментал бирликлар тадқиқида назарий тишунослик нуқтаи назаридан илмий тадқиқот ишларини олиб боришида Ф. де Соссюр томонидан илгари сурилган методология асосида ишлаш механизми ҳам мавжуд. Бу, албатта,

ТИЛШУНОСЛИК

тил ва нутқ ҳодисалари тизимида амалга оширилади. Тилшунослик ва унинг барча сатҳларида тил ва нутқ ҳодисалари ажратилар экан, бундай назарий принципларни суперсегментал бирликларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ф.де Соссюр тили билан айтганда бундай тадқиқотлар соғф тилшуносликдир, А.Маҳмудов қарашларида “интонацион модел”, профессор А.Нурмонов, Д.Набиева ишларида “инвариант”, профессор А.Абдуазизов сўзи билан айтганда эса “силлабема”, “акцентема”, “интонема”, “просодема”дир. Ўзбек тилшунослигига бундай тадқиқотлар учун асос бўлувчи амалий характерга эга бўлган фонетика соҳасига оид маълумотлар ўтган асрнинг 60-70 йилларда илк куртакларини кўрсата бошлаган. Ўзбек тили экспериментал фонетикасининг шаклланишида эса А.Маҳмудов ва С.Отамирзаева[5]ларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Атоқли тилшунос олим А. Абдуазизов юқорида таъкидланган асарида “....Просодикада бўғин, ургу ва интонациянинг ўзаро муносабатини ўрганиш қизиқарли хulosаларга олиб келиши мумкин”[1.14]лигини айтиб ўтади ва бу ўз-ўзидан бугунги кунда тизимли тадқиқотларга эҳтиёж катта эканлигини кўрсатади. Олимнинг суперсегментал бирликлар тадқики билан боғлиқ қарашларида фаннинг айнан шу соҳасидаги ишлар етарли эмаслиги асослаб берилади, хусусан, “...бўғин, ургу ва интонациянинг лингвистик нутқи назардан зарур бўлган функционал аломатлари, яъни жамият мулоқотида муҳим бўлган томонлари батафсил ёритилмай, четда қолаётгандиги” ҳақида фикр билдиради. Бунинг учун энг аввало просодика нима ва унинг функционал хусусиятлари нималарда намоён бўлишини ўрганиш лозим. Суперсегмент бирлик ёки просодика атамаси дунё тилшунослигига икки хил тарзда талқин этилади. В.А. Артемов томонидан илгари сурилган нутқи назарга кўра, просодика ва интонация терминлари дифференциал белгилари билан ўзаро чегаравий тадқиқот майдонига эга деб қаралади. Олим просодика термини остида нутқнинг фонетик структурасини таҳлил қилиш, бу жараёнда сўзнинг фонетик структураси ва унинг таркибидаги бирликларнинг фонетик уйғунлашуви ҳамда

шу асосда сўзнинг фонетик яхлитлигини таъминловчи просодик элементлар ва улар ўртасидаги уйғунлашув муносабатини аниқлаш керак деган таклифни беради [1.35].

Интонация эса гапнинг тузилиш маъноси, коммуникативлик ва модаллик хусусиятларини белгилайди. Лексик таркиб ва синтактик қурилма орқали контекстда ёки нутқий мулоқот жараёнда тингловчига нисбатан ижобий ёки салбий муносабатни ифодалаб беради. Шунингдек, интонация нутқнинг стилистик хусусиятларини белгилаб, адабий тилдаги орфоэпик қонуниятларни ажратади [1.37] деб таъкидлайди. Интонация компонентлари ҳақида қарашлар бир-биридан фарқланади. Тилшунос олимлар томонидан бир неча ўн йиллардан бери “интонация” тушунчаси, унинг структураси, компонентлари нималардан иборат, унинг таркибиға қайси элементларни киритиш кераклиги ҳақида баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Қизиги шундаки, интонация масалалари билан боғлиқ ҳодисалар, унга хос хусусиятларни ўрганиш метод ва методологияси дунёнинг етакчи олимлари томонидан ишлаб чиқилган бўлса-да, ҳар бир халқнинг тили билан боғлиқ интонация ва унинг миллий менталитетга хос белгилари мавжуд. Шунинг учун ҳам интонация ва у билан боғлиқ тадқиқотларда ёки қарашларда ҳар хиллик кўзга ташланади. Интонация термини ва у билан боғлиқ ҳодисалар тадқики ғарб лингвистикасига нисбатан рус лингвистик илмий мактабларида кенгроқ ва батафсилроқ ўрганилган. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан интонация ва просодика нутқнинг тури сегментларига алоқадор ҳодисалар деб изоҳланишини суперсегментал бирликлар структурасини таҳлил қилиш, экспериментал тадқиқотларни амалга ошириш орқали илмий асослаш талаб қилинади. Просодика бўғинга алоқадор ҳодиса, интонация эса – фразага хос категория эканлигини изоҳлаш учун соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш лозим.

Суперсегментал бирликлар ҳақида иккинчи нутқи назарга кўра, интонация ва унинг компонентлари просодика тушунчаси билан тутиши эътироф этилади [3]. Бу ўринда интонация ва просодика атамалари,

уларга хос ҳодисалар ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар сифатида изоҳланади. Просодик элементларнинг ҳар бири интонациянинг компоненти ёки параметри[9.45] деб юритилади, мелодика, урғу, темп, тембр, тон, пауза кабилар просодик элементлар саналади ва айни пайтда интонациянинг яхлитлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Демак, суперсегмент бирликлар ҳисобланган

просодик воситалар ва интонация тилда куйи сатҳнинг катта бирлиги сифатида бир-бирини мунтазам равишда компенсациялайди ва бири иккинчисини тўлдириб боради. Шунинг учун ҳам просодик воситаларнинг систем-структур жиҳатдан тадқиқ этиш жараёни бу соҳага оид назариялар – бутун ва унинг элементлари парадигмасига қатъий амал қилишни талаб қилади.

Адабиётлар:

1. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
2. Артемов В.А. Психология речевой интонации. – М.: Высшая школа, 1976.
3. Баскаков Н.А., Абдуазизов А., Содиков А. Умумий тилшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
4. Зиндер А. Общая фонетика. - М.: Высшая школа, 1979.
5. Маҳмудов А. Интонографик метод ҳақида//Ўзбек тили ва адабиёти. 1970., 6-сон., Атамирзаева С.А., Аъзамова С.С. Акустик-артикуляционный анализ узбекский речи применительно к речевой асимметри. – Т.: Фан, 1972.
6. Нурмонов А. Танланган асарлар. IIIжилдик.II жилд. – Т.: Академнашр, 2012.
7. Нурмонов А. Танланган асарлар. IIIжилдик.II жилд. – Т.: Академнашр, 2012.
8. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1990.
9. Содиков А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981.
10. Соссюр де Ф. Труды по языкознанию. М.: Прогресс, 1977.
11. Crystal D. Prosodic system and intonation in English. Cambridge, 1969.; Fry D.B. Prosodic Phenomena. – Manual of Phonetics/Ed. ByB. Malmberg, Amsterdam, 1968.

(Тақризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор)